

Статья подготовлена в рамках реализации проекта OR 11465470 «Массовые политические репрессии в Казахстане в 20–50-х гг. XX в. и процессы реабилитации: создание единой базы данных» при финансовой поддержке Комитета науки Министерства науки и высшего образования Республики Казахстан.

Литература:

1. Жакишева С.А. Элиминация байских хозяйств на рубеже 20–30-х гг. XX в.: новые подходы, методы и технологии. Монография. – Алматы: Қазақ университеті, 2021. – 222 с.
2. Материалы Государственной комиссии по полной реабилитации жертв политических репрессий 20–50 годы XX века. Т. 1 / Под общ. ред. Е.Т. Карина. – Нур-Султан, 2022. – 622 с.
3. Материалы Государственной комиссии по полной реабилитации жертв политических репрессий 20–30 годы XX века. Т. 2 / Под общ. ред. Е.Т. Карина. – Нур-Султан, 2022. – 548 с.

СОВЕТ ДАВРИДА ҚАТАҒОНГА УЧРАҒАН ЗАВОД ВА ФАБРИКА ИШЧИ-ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Базарбаева Ш.

*Чирчиқ давлат педагогика институти
тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси”
музейи АКТ бўйича бош мутахассис*

1937-1946 йилларда Ўзбекистон ССРда совет ҳокимияти томонидан қатагон сиёсати олиб борилган. Ушбу қатагонга давлат, фан, маданият арбоблари, зиёлилар ва уламолар билан биргаликда завод ва фабрикаларда фаолият юритган ишчи ходимлар ҳам учраган. Хусусан, Тошкент вилоятида жойлашган завод ва фабрика ишчиларининг айримлари қатагонга учраган. Бугунги кунда қатагонга учраган завод ишчи ва ходимлари тўғрисида маълумотлар архивларда сақланиб келмоқда. Қатагонга учраган завод ва фабрика ишчи-ходимларининг фаолиятини ва уларнинг қатагонга учраш ҳолатини ўрганишда рақамли технологиялар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мазкур қатагон қурбонлари тўғрисида маълумотлар камроқ бўлиб, уларни маълум услуб орқали ўрганиш мақсадга мувофиқдир [13].

1930 йилларда Ўзбекистон ССРда республика раҳбарларининг кадрлар сиёсатини ўз халқи манфаатлари йўлида ҳар қандай, ҳатто журъатсизлик билан тўғрилашга бўлган озгина уриниш ҳам марказ

томонидан миллатчилик кўриниши, умумиттифоқ манфаатларини писанд қилмаслик деб баҳоланарди [1].

Совет давлати сиёсий қатағонларининг энг кульминацион нуқтаси 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” жараёни бўлди. СССР НКВДси томонидан 1937 йил 30 июль куни тасдиқланган №00447 рақамли мутлақо махфий буйруққа кўра, қатағон 5 августда “барча республикалар ва вилоятларда, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРлар”да бошланиши лозим эди. Лекин Ўзбекистон НКВДси раҳбарлари доғда қолмасликлари учун июль ойининг ўрталаридаёқ қатағон машинасини ишга тушириб юборадилар. Бу даврда давлат, фан, маданият арбоблари, зиёлилар, уламолар, завод ва фабрика ишчи ходимлари, хаттоки оддий инсонлар ҳам қатағон домига тортилади.

Ҳозиргача аниқланган маълумотларга қараганда Тошкент вилояти бўйича 1718 нафар “Катта қирғин” қурбони бўлган. Жумладан, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси ҳамда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан 490 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бундан ташқари, қатағонга учраганларнинг 12 нафари 15 йилга, 1 нафари 12 йилга, 360 нафари 10 йилга, 83 нафари 8 йилга, 11 нафари 7 йилга, 76 нафари 1 йилдан 5 йилгача қамоқ жазосига ҳукм этилиб, уларнинг 99 фоизи меҳнат тузатиш лагерларига жўнатилган. Қатағонга учраган 60 киши қамоқхонадаги оғир шароит ва терговдаги қийновларга дош беролмай вафот этган ҳамда 8 киши жазони ўташ жойларида ҳалок бўлган [8].

Турли сиёсий айблар билан қамоққа олинган 83 киши бир неча ой қамоқда азоблангач, айблари ўз тасдиғини топмаганлиги важи билан ноилож озод қилинган. Бироқ қамоқда кечирган азоблари, уларга қўйилган “Ватан хоини”, “аксилинқилобчи”, “халқ душмани” каби қора тамғалар нафақат уларнинг, балки бутун оила аъзолари ва яқинларининг ҳаётини барбод қилган.

Оила аъзоларидан кимдир “қизиллар”га қарши курашган ёки “бой-қулоқ” қилинган бўлса бўлди — уни “ватанга хиёнат”да айблашар эди. Сўнгра, қариндошлари орасида “ёт унсурлар” бўлганларни, “душманлар” билан бирга ишлаганларни ҳамда диний билимга эга бўлганларни сиёсий айблар билан қамаш бошланади. Ўшанда НКВД дастидан кўплаб одамларнинг ҳаловати йўқолган [7].

1943 йилларда яъни Иккинчи Жаҳон уруши давом этаётганда ҳам совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати тўхтамаган. Совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати натижасида Ўзбекистондаги муассасаларида меҳнат қилган шахслар тўғрисида маълумот йиғилган. Турли сиёсий айблар билан қатағонга учраганлар орасида Тошкент вилоятидаги завод ва фабрика ишчи ходимлари ҳам бор эди. Уларнинг айримларининг қатағонга учраш воқеаларини баён этиш мақсадга мувофиқдир [12].

Хусусан, Тошкент вилоятидаги заводда фаолият юритган ҳамда қатағонга учраган шахслардан бири Селиметов (Алиев) Минадиль бўлган.

У 1913 йилда туғилган. У 1934 йил 29 сентябрда НКВД Училиги томонидан ОГПУ №172-24 йилдаги буйруғига кўра 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Бундан ташқари, Селиметов Минадиль 1936 йил 23 майда яна Жиноят Кодексининг 78 моддасига кўра 4 йилу 4 ойга озодликдан маҳрум қилинган. Бироқ, бу билан унга оид жиноий бўхтонлар тўхтаб қолмаган [11]. НКВД Чирчиқ қурилиш лагерида ишдан бош тортиш, СССР мавжуд тартибига қарши Совет ҳукумати ва бошлиқларига нисбатан ёлғон фикрлар, одобсиз сўзлар билан ҳақоратлашда айбланиб, 1937 йил 27 июнда ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 модда 1 қисмига кўра 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган[2].

Қатағонга учраган завод ишчиларидан яна бири 1917 йилда туғилган Моздалиев Валерий Алексеевич эди. У 1942 йил 26 февралда СССР НКВД томонидан жосуслик ва чегарадан ўтишда айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. НКВД Чирчиқ қурилиш 5 бўлимида мунтазам равишда маҳбуслар орасида аксиинқилобий тарғибот боришда, 1945 йил июл ойидан 1946 йил май ойигача меҳнат қилаётганлар ҳаёти тўғрисида бўхтон фикрлар билдиришда, капитал давлатлардаги ҳаётни мақташда, Совет иттифоқининг урушдаги мағлубияти тўғрисида аксиинқилобий фикрлар билдиришда, СССР Юқори Совети сайловлари тўғрисида аксиинқилобий фикрлар билдиришда айбланиб, 1946 йил 30 майда ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 модда 1 қисмига кўра 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган[3, 10].

1908 йилда туғилган Гричай Павел Савельевич Тошкент вилоятидаги корхоналардан бирида фаолият юритган. У ҳам совет ҳукуматининг қатағон сиёсатига тортилган шахслардан бири бўлган. У 1943 йил 17 декабрда ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 модда 1 қисмига кўра 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган [14]. Гричай Павел НКВД Чирчиқ қурилиш 5 бўлимида мунтазам равишда маҳбуслар орасида аксиинқилобий тарғибот боришда, мунтазам техникасини мақташда, Совет муҳри ва меҳнат қилаётганлар ҳаёти тўғрисида бўхтон фикрлар билдиришда, подшолик тартиби ва собиқ Польшадаги ҳаётни мақташда, Совет иттифоқининг урушдаги мағлубияти тўғрисида аксиинқилобий фикрлар билдиришда айбланиб, 1946 йил 31 майда ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 модда 1 қисмига кўра 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган[4, 9].

Қатағонга учраган яна бир ишчилардан бири Гаручав Павел Осипович бўлган. У 1892 йилда туғилган. У НКВД Чирчиқ қурилиш 5 бўлимида маҳбуслар орасида 1943 йилдан 1945 йилгача аксиинқилобий тарғибот боришда, меҳнат қилаётганлар ҳаёти тўғрисида бўхтон фикрлар билдиришда, армиясини мақташ ва Қизил Армияга тухмат қилишда, подшолик тартибидаги ҳаётни мақташда, халқ раҳбарига нисбатан бўхтонлар гапиришда, СССР Юқори Совети сайловлари тўғрисида аксиинқилобий фикрлар билдиришда айбланиб, 1946 йил 19 февралда

ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 модда 1 қисмига кўра 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган[5, 15].

Труевцев Георгий Федорович 1908 йилда туғилган. У НКВД Чирчик қурилишда ишлаб Совет иттифоқига қарши аксиинқилобий мазмундаги шеърлар ёзишда ва уларни алоҳида махбуслар орасида тарғибот олиб бориш мақсадида ўқиганликда айбланиб, 1937 йил 27 июньда ЎзССР Жиноят Кодексининг 66 модда 1 қисмига кўра 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган[6].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, совет ҳокимияти даврида жабру зулм кўрган, жон фидо қилган, ноҳақ айблардан жазо тортган шахслар сони тўғрисидаги якуний рақамлар ҳозиргача мавжуд эмас. Қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаштириш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишлари давом этмокда. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб бориш учун рақамли технологияларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки совет ҳокимияти даврида қатағонга учраган шахсларнинг ягона базасини яратиш орқали қатағон сиёсатининг моҳиятини чуқурроқ тушуниш имкониятига эга бўламиз. Мазкур ишни амалга ошириш учун бизга рақамли технология ёрдам бериши мумкин.

Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2000, б. 531.
2. Тошкент вилояти Давлат архиви. 738-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, б. 32.
3. Тошкент вилояти Давлат архиви. 738-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, б. 58.
4. Тошкент вилояти Давлат архиви. 738-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, б. 130.
5. Тошкент вилояти Давлат архиви. 738-фонд, 1-рўйхат, 98-иш, б. 60-61.
6. Тошкент вилояти Давлат архиви. 738-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, б. 57.
7. Исламова, Саодат Фуркатовна, and Ильяс Рахимзянович Шакиров. "ГЕНОЦИД В НАЧАЛЕ XX ВЕКА И СОВРЕМЕННЫЕ СПОСОБЫ ПРЕОДОЛЕНИЯ ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ." *Вестник развития науки и образования* 2 (2015): 72-76.
8. Ишанходжаева, Замира Райимовна. *Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.)*. Тафаккур, 2011.
9. Mukhammadiev, R. "Labor and human feat of Usman Yusupov during the II world war." *ISJ Theoretical & Applied Science* 10.78 (2019): 780.
10. Mukhammadiev, Rakhman. "Organizational Skills Of Usman Yusupov In The Second World War." *The American Journal of Social Science and Education Innovations* 3.11 (2021): 119-124.

11. Ишанходжаева, З. Р. "Репрессивная политика советской власти и ее воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925–1950 гг.): автореферат дис.... доктора исторических наук: 07.00. 01." (2012).

12. Исламова, Саодат Фуркатовна, and Ильяс Рахимзянович Шакиров. "ГЕНОЦИД В НАЧАЛЕ XX ВЕКА И СОВРЕМЕННЫЕ СПОСОБЫ ПРЕОДОЛЕНИЯ ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ." *Вестник развития науки и образования* 2 (2015): 72-76.

13. Ишанходжаева, З. Р. "Управление культурной политикой и идеологией в Узбекистане в 1920-е-1930-е гг." Южный Урал: история, историография, источники. 2018. 38-43.

14. Ишанходжаева, Замира Райимовна. "К вопросу" социалистической модернизации" духовной жизни Узбекистана в 20-30-е годы XX века." *Высшая школа* 6 (2015): 39-42.

15. Ишанходжаева, Замира Райимовна. *Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.)*. Тафаккур, 2011

ЦИФРОВИЗАЦИЯ АРХИВОВ ФОНДА ШАРАФА РАШИДОВА – ПОЭТА, ПИСАТЕЛЯ И ГОСУДАРСТВЕННОГО ДЕЯТЕЛЯ УЗБЕКИСТАНА

Рашидова С.И.

*Первый заместитель Председателя Правления
Международного Общественного Фонда им. Ш. Рашидова*

Сегодня мы живем в эпоху цифровых технологий или цифровой век. Цифровые технологии дают нам необъятные возможности, наиболее актуальным из которых на сегодняшний день для нас является цифровизация архивов. Цифровизация (анг. Digitalization) это процесс создания нового информационного носителя в цифровой форме, в более узком смысле digitization (оцифровка) представляет собой перенос информации с физических носителей на цифровые, например сканирование документа. [ЛН Мазур, 2018. Стратегии дигитализации архивных массовых источников: электронный архив и база данных.] Но не только это, цифровизация архивов также подразумевает выбор цифрового инструмента, при помощи которого оцифрованные данные (грубо-говоря сканированные) станут доступны массам. Внедрение цифровых технологий в каждодневный процесс позволяет не только усовершенствовать внутренние процессы, но и существенно облегчить работу с архивами.